

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Тиб.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

НАЗИРОВА ЗУЛФИЯ РУСТАМОВНА

**РЕФРАКТЕР ГЛАУКОМАЛИ БОЛАЛАРДА ПАТОГЕНЕЗГА
АСОСЛАНГАН ХИРУРГИК ДАВОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of Science (DSc)

Назирова Зулфия Рустамовна

Рефрактер глаукомали болаларда
патогенезга асосланган хирургик даволаш..... 3

Назирова Зулфия Рустамовна

Патогенетические аспекты хирургического
лечения детей с рефрактерной глаукомой..... 29

Nazirova Zulfiya Rustamovna

Pathogenetic aspects of surgical treatment of
children with refractory glaucoma..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КУЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Тib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗИРОВА ЗУЛФИЯ РУСТАМОВНА

**РЕФРАКТЕР ГЛАУКОМАЛИ БОЛАЛАРДА ПАТОГЕНЕЗГА
АСОСЛАНГАН ХИРУРГИК ДАВОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Tib338 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Бузруков Ботир Тулқунович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Касимова Мунираҳон Садықжанова тиббиёт фанлари доктори, профессор Файзуллаева Нигора Яхъяевна тиббиёт фанлари доктори Алексеев Игорь Борисович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
Етақчи ташкилот:	Академик С.Н.Федоров номидаги “Кўз микрохирургия маркази” Оренбург филиали, Россия Федерацияси

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc 04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «14» сентябр соат 13.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye – center@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (М-003-А рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye – center@inbox.ru

Диссертация автореферати 2021 йил «14» сентябр кuni тарқатилди.
(2021 йил «14» сентябр даги 24 рақамли реестр баённомаси).



А.Ф. Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Ш.А. Джамалова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

М.Х.Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда болалардаги туғма кўз касалликлари кўзи ожизлик ва кўриш қобилиятини пасайиши ва бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, ногиронликка сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) эпидемиологик тадқиқотлари маълумотларига кўра, «...кўз ожизлиги сабабларидан бўлган туғма глаукома 4,4%, кўриш қобилиятининг пасайиши 2,2% ни ташкил қилмоқда»¹. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «... туғма глаукома сабабли кўзи ожизлик келиб чиқиши болаларда 1% дан то 10% гачани ташкил этмоқда»². Туғма глаукоманинг клиник кўринишлари хилма-хиллиги, патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болаларда ирсий кўз касалликларнинг учраш даражаси ва ривожланишининг клиник-иммуногенетик жиҳатларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада болалар организмнинг патологик ўзгаришларига олиб келувчи омилларни аниқлаш; янги туғилган чақалоқларда скрининг назорати тизимини ишлаб чиқиш; бирламчи туғма глаукоманинг генетик ва тератоген омилларини аниқлаш; БТГ янги такомиллаштирилган жаррохлик усулларини ишлаб чиқиш; БТГ нинг турли популяцияларда молекуляр-генетик омилларини аниқлаш, унинг аҳамиятли генотиплари ва номзод генлар аллел вариантларининг фенотипик кўринишлари билан ассоциациясини аниқлаш, рефрактер глаукома бўлган болаларда иммун тизим цитокинлари ҳолатини аниқлаш; касалликни олиб бориш протоколларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда рефрактер глаукомали болаларда тизимли ва локал иммунологик ҳолатини баҳолаш, касалликка мойилликни пайдо қилувчи генлар полиморфизминини аниқлаш, БТГ ривожланиш даражасига қараб касаллик профилактикаси, ташхиси, жаррохлик даволаш ва олиб боришнинг оптимал алгоритминини ишлаб чиқиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, болаларда туғма ногиронликларни эрта аниқлаш жумладан, бирламчи туғма глаукомани камайитиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг

¹ Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг ҳисоботи, 2017.

² Страхов В.В., Алексеев В.В. Патогенез первичной глаукомы –«все или ничего» // Глаукома. 2009. № 2. С. 40–52.

самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»³ каби вазифалари белгиланган. Бу борада болалар саломатлигини мустақкамлаш, айниқса, болаларда учрайдиган туғма кўз касалликларни ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Рефрактер глаукомали болаларда патогенезга асосланган хирургик даволаш усулларини оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг, жумладан қуйидаги илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: University of Colombo (Колумбия), Rehabilitation Institute of Neuromuscular Disease, Yonsei University College of Medicine (Корея), Pediatric Health Research Center, Tabriz University of Medical Sciences (Эрон), Capital Institute of Paediatrics (Хитой), Children's Hospital of Wisconsin (АҚШ), Гелмголтц номидаги Москва кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти, Россия давлат тиббиёт университети (Россия) ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон).

Жаҳонда болалардаги кўз касалликларни ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: кўз касалликлар шаклланиши ва кечишида клиник-иммунологик кўрсаткичлардаги пропорционал ўзгаришлар аниқланган (Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine, АҚШ); турли популяцияларда молекуляр генетик тадқиқотларда миллатга хос иммун тизим цитокинлари фаоллигини

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universitvofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

бошқарувчи ген полиморфизмлари аниқланган (Rehabilitation Institute of Neuromuscular Disease, Yonsei University College of Medicine, Корея); рефрактер глаукомани турли комбинациялашган жаррохлик йўли билан даволаш усули ишлаб чиқилган (Гелмголтц номидаги Москва кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти, Россия); туғма кўз касалликлари келиб чиқишида хомила ичра турли вирусли инфекцияларнинг сабабчи эканлиги исботланган (Hacattepe University, Туркия; University of British Columbia, Канада; The National Institute of Perinatología Isidro Espinosa de los Reyes, Мексика); туғма глаукомани патогенетик ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий офтальмологик усуллари такомиллаштирилган (Ohio State University, College of Medicine, University of North Carolina, АҚШ).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида рефрактер глаукомали болаларда патогенезга асосланган хирургик даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: антиглаукоматоз операцияларнинг камчиликларини инобатга олган ҳолда, рефрактер глаукоманинг янги жаррохлик даволаш усуллари ишлаб чиқиш; рефрактер глаукоманинг ўзига хос клиник кечиш ҳолатларини аниқлаш; касаллик патогенези янги жиҳатларини очиш имконини берадиган янги биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш; бирламчи туғма глаукома ривожланишида иштирок этадиган генетик ва тератоген омилларини аниқлаш; ортиқча чандиклар пайдо бўлишининг олдини оладиган БТГ янги такомиллаштирилган жаррохлик усуллари ишлаб чиқиш; БТГ нинг турли популяцияларда молекуляр-генетик омилларини аниқлаш, унинг аҳамиятли генотиплари ва номзод генлар аллел вариантларининг фенотипик кўринишлари билан ассоциациясини аниқлаш, рефрактер глаукома бўлган болаларда иммун тизим цитокинлари ҳолатини аниқлаш; касалликни олиб бориш протоколларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бирламчи туғма глаукома патогенезида генетик ва тератоген омиллар (ионлаштирувчи нурланиш таъсирида, хомиладорлик пайтида онадаги баъзи вирусли инфекциялар, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, онанинг чекиши ва бошқалар) асосий роль ўйнайди. Туғма глаукоманинг асосий механизми кўзнинг олд камераси бурчагида сўрилмаган мезодермал тўқималарнинг мавжудлиги (гониодизгенез) ёки унинг ривожланиш аномалиялари. Глаукоманинг етилмаган ва туғма турлари касалликнинг янада оғир ва прогрессив кечиши билан боғлиқлиги кўрсатилди. Бирламчи туғма глаукома турли даражадаги пенетрацияли аутосомал доминант наслий турлари билан 60 дан 80% гача тавсифланади ва бу патология кизларга қараганда ўғил болаларда кўпроқ кузатилади (Егоров Е.А. ва бошқалар, 2016; Завгородняя Н. Г., Саржевская Л. Э., Ивахненко Е. М., Цыбульская Т. Е., Костровская К. О., 2017).

Шунингдек, бирламчи туғма глаукома бўлган беморларда оксидловчи фосфорланиш тезлигининг пасайиши, АТФ синтезининг пасайиши, липид пероксидациясининг фаоллашиши натижасида митохондриял ДНКнинг бир

қатор касалликлари аниқланди, липид перексидациясининг фаоллашиши натижасида ретинал гангилион ҳужайраларнинг ўлимига, глаукоматоз ўзгаришлар ривожланишига ва олд камера бурчаги соҳасидаги тўқималар ўсишининг бузулиши ва фаркланишига олиб келиши мумкин. Туғма глаукомали болаларни даволашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ушбу касалликнинг эрта ташхисига боғлиқ. Агар даволаниш ўз вақтида бошланмаса, касаллик тез ривожланиб, кўриш органида қайтарилмас ўзгаришларга олиб келади (Хабибуллина Н.М., Галеева Г.З., Расческов А.Ю. авторлар, 2016; Bahler С.К., Hann С.Р., Fjield Т. et al, 2015;).

Ҳозирги вақтда фундус тузилмаларини визуаллаштиришнинг асосий усуллари бу фундус камераси, фундус флоресан ангиография ёрдамида фторесин ва индосиянин яшил, оптик когерант томография, лазерли офталмоскопик сканерлаш ёрдамида кўз ости тўқималарини офталмоскопия, биомикроскопия ва фотографик рўйхатлаш ҳисобланади (Катаргина Л. А., Мазанова Е. В., Тарасенков А. О., Рябцев Д. И., 2017).

Антиглаукоматоз операцияларнинг камчиликларини инobatга олган ҳолда, ҳозирги вақтда камроқ жароҳатланган ва жарроҳлик амалиётидан кейинги соҳада ортиқча чандиқлар пайдо бўлишининг олдини оладиган жарроҳлик усуллари фаол амалга оширилмоқда (Старостина А.В., 2017). Патогенетик йўналтирилган чораларни офталмологик амалиётга кенг татбиқ этиш глаукома жарроҳлик амалиётидаги вазиятни сезиларли даражада ўзгартирди. Шу сабабли, БТГ ни жарроҳлик амалиёти орқали даволашда иммунологик, молекуляр-генетик тадқиқотларнинг диагностик потенциалини аниқлаш ва баҳолаш жуда долзарбдир. Буларни амалга ошириш натижасида БТГ билан оғриган болаларни олиб бориш ва даволаш алгоритмларини такомиллаштириш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 001228 «Болаларда туғма ва орттирилган кўз касалликлари диагностикаси ва даволашни такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсадирефрактер глаукомали болаларда патогенезга асосланганхирургик даволаш усуллари оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касалликлар тарихини проспектив ва ретроспектив таҳлил қилиш асосида болаларда рефрактер глаукома пайдо бўлиш даражаси, клиник ва офтальмологик хусусиятларини қиёсий баҳолаш;

глаукома бўлган бирламчи ва қайта операция қилинган болаларда кўз шох пардаси диаметри кўрсаткичлари асосида кўз шох пардаси диаметрини ўлчашнинг энг ишончли усулини ишлаб чиқиш;

ретроспектив таҳлиллар асосида рефрактер глаукомали болаларда такрорий жарроҳлик амалиётига олиб келган асоратларнинг ривожланиш вақтини аниқлаш;

TNF α (308G/A) ва *IL-10* (C-819T, G-1082A) цитокинлари ген полиморфизмларини аниқлаш ва уларнинг рефрактер глаукома прогнозидаги ролини баҳолаш;

анъанавий усул ва ГЛАУТЕКС дренажидан фойдаланган ҳолда рефрактер глаукомали болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини қиёсий таҳлиллаш;

рефрактер глаукома бўлган болаларда иммун тизим цитокинлари ҳолатининг ролини аниқлаш;

бирламчи туғма глаукомали болаларни эрта ташхислаш ва даволаш алгоритмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2020 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида даволанган, 0 (ноль)дан 14 ёшгача бўлган 5367 нафар болалар ретроспектив таҳлили ва 478 нафар болалар проспектив таҳлили олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар веноз қони ва зардоби иммунологик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда визометрия, офталмоскопия, биомикроскопия, гониоскопия, тонометрия ва тонография, кўз олмаси ултратовуш текшируви, кератометрия, иммунологик, иммуногенетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бирламчи туғма глаукомали болаларда шох парда диаметрини масофадан ўлчаш учун ишлаб чиқилган махсус мослама "қўзойнақлар"дан фойдаланиш анъанавий мактаб чизгичи ва жарроҳлик циркулидан самарадорли эканлиги исботланган;

илк бор республикада болаларда рефрактер глаукомани жарроҳлик йўли билан даволашда биологик парчаланадиган ГЛАУТЕКС дренажини қўллаш таклиф этилди ва клиник амалиётга тадбиқ этилди, бу эса ўз навбатида кўз ички суюқлигини айланиши учун янги яратилган йўлларнинг чандикли облитерациясини олдини олиши билан анъанавий усулдан устунлиги исботланган;

бирламчи туғма глаукомали болаларда касаллик кечиши ва асоратлари ривожланиши истиқболи иммун тизим цитокинлари (*TNF α* , *IL-10*) микдори кўрсаткичлари ўзгаришларига тўғри пропорционал боғлиқлиги исботланган;

илк бор болаларда рефрактер глаукома ривожланиши патогенези, такрорий операциялар эҳтимоли ва жарроҳлик амалиётидан кейин ҳаддан ташқари чандик ривожланиши *TNF α* (308G/A) ва *IL-10* (C-819T, G-1082A) генлари полиморфизмлари учраши билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

илк бор бирламчи туғма глаукома билан касалланган болаларда *TNF α* генининг G/A (308G/A) гетерозигот генотипи аниқланганда, жарроҳлик усулининг ГЛАУТЕКС дренажи билан антиглаукоматоз операцияси амалга оширилиши лозимлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи туғма глаукома бўлган болаларда шох парда диаметрини масофадан ўлчаш учун махсус мослама "кўзойнак" ишлаб чиқилган;

илк бор соғлиқни сақлаш амалиёти учун жаррохликдан сўнг жараёнининг кечишини ҳисобга олган ҳолда биологик парчаланадиган дренаж ГЛАУТЕКСни рефрактер глаукомада қўллаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

илк бор бирламчи туғма глаукома бўлган болаларда жаррохлик усулини танлаш ва даволаш учун генетик *TNF α* (308G/A) маркерини аниқлаш асосланган;

клиник, иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари асосида рефрактер глаукома бўлган болаларни эрта ташхислаш ва даволаш алгоритмининг такомиллаштириш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рефрактер глаукомали болаларда патогенезга асосланган хирургик даволаш усулларини оптималлаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган; бирламчи туғма глаукома бўлган болаларда касаллик кечиши ва асоратлари ривожланишида иммун тизим цитокинлари (*TNF α* , *IL-10*) миқдори кўрсаткичлари ўзгаришлари, глаукома ривожланиши патогенези, такрорий операциялар эҳтимоли ва жаррохлик амалиётидан кейин ҳаддан ташқари чандиқ ривожланиши *TNF α* (308G/A) ва *IL-10* (C-819T, G-1082A) генлари полиморфизмларининг учрашига узвий боғлиқлигини аниқланиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бирламчи туғма глаукома бўлган болаларда шох парда диаметрини масофадан ўлчаш учун махсус мослама "кўзойнаклар" ишлаб чиқилганлиги, рефрактер глаукомада биологик парчаланадиган дренаж Глаутексни қўллаш, жаррохлик усулини танлаш ва даволаш учун *TNF α* (308G/A) генетик маркерини аниқлаш асосланганлиги, рефрактер глаукома бўлган болаларни назорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилганлиги жаррохлик усулини танлаш ва асоратларни камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рефрактер глаукомали болаларда патогенезга асосланган хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда биологик парчаланадиган Глаутекс дренаждан фойдаланган жарроҳлик даволаш усули асосида ишлаб чиқилган «Туғма глаукомали болаларни биологик парчаланадиган Глаутекс дренаждан фойдаланган жарроҳлик даволаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 8н-д/71-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома рефрактер глаукомали болаларда Глаутекс дренаждан фойдаланган ҳолда жарроҳлик йўли билан даволаш усулitaкрорий операциялар даражасини камайтиришга хизмат қилган;

туғма глаукомали болаларни ташхислаш асосида ишлаб чиқилган «Туғма глаукомага шубҳа қилинган болаларни ташхислаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 8н-д/71-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Туғма глаукомага шубҳа қилинган болаларни эрта ташхислаш, ўз вақтида даволаш усулини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

рефрактер глаукомали болаларни олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган усул асосида «Рефрактер глаукомали болаларни олиб боришда дифференциал ёндашув» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 8н-д/71-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома рефрактер глаукомали болаларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда даволаш усулини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва қайталанишини олдини олишга хизмат қилган;

рефрактер глаукомали болаларда патогенезга асосланган хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Бухоро вилояти офтальмологик шифохонаси, Фарғона вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Тошкент шаҳар болалар клиник шифохонаси клиник амалиётларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 майдаги 8н-з/102-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар рефрактер глаукомали болаларда ташхислаш ва янги такомиллаштирилган даволаш усулини қўллаш орқали болаларда касалликни қайталаниш даражасини камайтиришга, касаллик асоратларини олдини олишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва ҳамда болаларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари натижалари 7 та, жумладан 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 178 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «Тиббий-генетик консултацияларни ҳисобга олган ҳолда болалардаги рефрактер глаукоманинг диагностик ва терапевтик тактикасига замонавий ёндашиш (адабиётлар таҳлили)» деб номланган биринчи бобида ташхис қўйиш муаммосининг долзарб ҳолатини ёритувчи маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили берилган ва шунингдек, болаларда рефрактер глаукомани жарроҳлик билан даволаш масалалари ёритилган. Ушбу тоифадаги болаларни даволашда дифференциал ёндашувда ФНО ва ИЛ-10 цитокинларининг полиморфизмининг ўрнига алоҳида эътибор берилди. Дренаж тизимидан фойдаланган ҳолда болаларда глаукомани жарроҳлик амалиёти билан даволаш эволюцияси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Текширилган болалар тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида материаллари ва тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот 3 босқичдан иборат. Биринчи босқичда ТошПТИ клиникасининг кўз бўлимига ётқизилган 5367 беморни ретроспектив ва истикболли таҳлиллари (2.1-расм).


Тадқиқотнинг истесно мезонлари шундан иборатки, иккиламчи глаукомали, синдромли патологияси бўлган, шунингдек, кўриш органининг қўшма касалликлари бўлган болалар тадқиқот гуруҳига киритилмаган.

Бирламчи туғма глаукома (БТГ) билан касалланган 478 бола орасида танлов мезонларига кўра, бирламчи туғма глаукома (БТГ) бўлган 448 бола танланди. 390 беморга жарроҳлик билан даволаш ўтказилди, улар орасида дастлаб 265 нафар болада жарроҳлик амалиёти ўтказилди ва 125 нафар бола қайта операция қилинди, бу болалар рефрактер глаукома ташхиси қўйилган.

Тадқиқотнинг 2-босқичида рефрактер глаукома ривожланишида *TNFα* - 308G/A, IL-10 C-819T ва G-1082A генининг полиморфизмларининг

иммуногенетик ролини ўрганишни ўз ичига олган истикболли тадқиқот ўтказилди. Шунингдек, ушбу босқичда кўзнинг шох пардасини диаметри бўйича ўлчаш учун махсус "кўзойнаклар" дан фойдаланиш самарадорлиги анъанавий мактаб чизгичи ва жарроҳлик циркули ёрдамида ўлчов қилиш каби анъанавий усуллар билан таққослаб баҳоланди.

Илмий иш дизайни



1-расм. Тадқиқот дизайни

Тадқиқотнинг 3-босқичи Глаутекс биологик парчаланувчи дренажидан (21 болада) фойдаланиб, рефрактер глаукома бўлган болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлигини анъанавий АГО (44 бола) билан қиёсий аспектда баҳоланди.

Фундус текшируви бир нечта тадқиқот усуллари билан амалга оширилади. Тўғридан-тўғри офталмоскопия электрон офталмоскоп ёрдамида амалга оширилди. Билвосита офталмоскопия Скепенес офталмоскопи ёрдамида амалга оширилди.

Шоҳ парда фотосурати TOPCON TRC-500DX ретинал камераси ёрдамида амалга оширилди, бу электрон ва қоғозли кўринишда шоҳ парда расмини ёзиб олишга имкон бери.

Тонометрия ва тонография А.Н. Маклаков оғирлик ўлчови асосидаги 5, 10 ва 15 грамм наркоз остида амалга оширилди. Биз олган маълумотлар Б.Л. Полякнинг ўлчачи ёрдамида аниқланди. Шунингдек, биз мақсадли босимни аниқладик (Р меъёр Анисимовага кўра (2006 йил) - кўзнинг мембраналари зўриқшининг катталиги 200 дан ошмайди)

Олд камеранинг бурчагини текширишда биз Гольдман учта ойнали гониолинзадан фойдаландик. Гониолинзалар щелевой лампа ёки микроскоп билан биргаликда кўзнинг олд камерасининг бурчагини ёки анатомик равишда шоҳ парда ва кўз олмаси орасидаги бурчакни ўрганиш учун хизмат қилади.

Кўз ултратовуш текшируви UD-6000 офталмик ултратовуш диагностикаси тизими (Tomey Co., Япония) ёрдамида 10 МГц сенсорли генераторнинг номинал частотаси билан амалга оширилди.

БТГ билан касалланган болаларнинг веноз қонидаги цитокинларнинг маълумотларини биз Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси (Иммунология институти) иммунорегуляция лабораториясида ўргандик (директор Т.У. Арипова). IL-10 ва TNF α концентрацияси ООО Вектор-Бест (Россия, Новосибирск) тижорий реагент тўпламлари ёрдамида ферментларга боғлиқ иммуносорбент таҳлиллари билан ўлчанди.

TNF α -308G/A (*rs1800629*) ва IL-10 C-819T, G-1082A генлари промуотерининг SNP си инсон геномидаги полиморфизмларни аниқлаш учун тўпламлар ёрдамида полимераза занжир реакцияси (ПЗР) усули билан аниқланди, ООО НПФ «Литех» (Москва), электрофоретик аниқлаш билан аллел-махсус полимераз занжири реакцияси усули билан. ПЗР Corbett Research компаниясининг Rotor-Gene-2000 термоциклерида амалга оширилди.

Глаутекс биологик парчаланувчи дренажидан фойдаланган ҳолда антиглаукоматоз операцияни фистулизовчи техникаси 21 нафар болада амалга оширилди. Рефрактер глаукомали касал болаларда фойдаланиш учун антиглаукоматоз резорбцияланадиган дренажнинг “ГЛАУТЕКС” TDA ва TMA моделлари танлаб олинди ва ушбу дренаждан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш гувоҳномаси олинди.

Олинган маълумотлар ўртача арифметик (M), ўртача оғиш (σ), стандарт хато (m) ва нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблаш билан амалий статистик таҳлил дастурлари тўплами ёрдамида амалга оширилди. P < 0,05 ишончлилиқ даражаси статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «2016-2020 йилларда олдинги ва келгуси таҳлил маълумотларига кўра бирламчи туғма глаукома бўлган болаларда кўриш органининг клиник ва функционал хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида рефрактер глаукома бўлган гуруҳни аниқлаш билан беморларни текшириш натижалари келтирилган.

АГО таҳлилини ўрганиш шуни кўрсатдики, 2 ёки undan ортиқ марта операция қилинган беморлар, яъни РГ билан касалланганлар 32% ни ташкил қилган. Касалликнинг босқичига қараб болаларнинг тақсимланиши шуни кўрсатдики, РГ касаллигига чалинган болаларнинг энг катта фоизини терминал ва юқори босқичга эга болалар ташкил этади (2-расм).

Барча беморларга биомикроскопия ўтказилди, натижада РГ билан оғриган беморларга оғир кератопатия ва шох пардада дистрофик ўзгаришлар киради (3-расм).

Ўрганилган гуруҳларда тонометрик ва тонографик кўрсаткичларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, РГ бўлган беморларда дастлабки операция қилинган беморларга нисбатан ҳақиқий ва тонометрик ВГД кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори (4-расм).



2- расм. БТГ ли болаларни касаллик босқичлари бўйича тақсимлаш


Барча беморларга биомикроскопия ўтказилди, натижада РГ ли беморларда касаллик асосан оғир кератопатия ва шох пардада дистрофик ўзгаришлар билан кечиши исботланди (3-расм).



* Гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($p < 0.01$)

3- расм. Ўрганкляётган гуруҳларда кўз олдинги қисмининг биомикроскопик кўрсаткичлари

Ўрганилган гуруҳларда тонометрик ва тонографик кўрсаткичларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, РГ ли беморларда бирламчи операция қилинган беморларга нисбатан чин ва тонометрик ВГД кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори (4-расм).



* Гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($p < 0.05$)

4-расм. Ўрганилаётган гуруҳларда тонометрия ва тонография кўрсаткичлари

Ўрганилган гуруҳлардаги ПЗО индексларини ёш нормасидан келиб чиққан ҳолда таққослаш таҳлили шуни кўрсатдики, РГли беморларда ПЗО индекслари ёш нормасидан ўртача 4,6 мм га ошган бўлса, бирламчи операция қилинганларда улар ўртача 3,3 мм дан ошган. (5-расм).



* Гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($p < 0.05$)

5- расм. Ўрганилган гуруҳлардаги ПЗО кўрсаткичлари

Диаграммадан кўриниб турибдики, РГли болаларнинг 47% да ПЗО кўрсаткичлари 5,0 мм ($4,5 \pm 0,02$ мм) дан юқори, бирламчи операция қилинган БТГ эса атиги 18% ($P < 0,05$) да кузатилади.

РГли беморларда 50% ҳолларда (ҳар бешинчи болада) қайта операцияга бўлган эҳтиёж бирламчи операциядан 12-24 ой ўтгач ривожланади, энг кичик фоиз биринчи АГО дан сўнг биринчи 12 - ойига (12,8%) тўғри келади.

Шундай қилиб, ретроспектив тадқиқотда рефрактер глаукома анъанавий операциялардан сўнг 32,11% ҳолларда юзага келганлиги, глаукоматоз жараённинг барқарорлашуви йўқлиги билан ажралиб туриши аникланди, бу

шоҳ парда диаметри, ПЗО нинг ошиши ва кўз тонометрик ва тонографик кўрсаткичлари ва кўриш органининг клиник- функционал ҳолатини ёмонлашиши билан намоён бўлди.

4-бобда “**Рефрактер глаукома ва бирламчи тугма глаукомада шоҳ парда диаметри кўрсаткичларини турли ўлчов усуллари билан таққослаш натижаларини таҳлил қилиш**” ишлаб чиқилган махсус “кўзойнак” ёрдамида шоҳ парда диаметрини ўлчаш маълумотлари келтирилган. Таклиф этилаётган ихтиро БТГли болаларни динамик кузатувида фойдаланиладиган шоҳ парда диаметрини ўлчаш учун махсус янги мослама яратиш муаммосини ҳал қилади. Олинган техник натижа етарли даражада аниқлик билан, оддий, тезкор, ишончли ва шикаст етказмайдиган усулда бажарилган ўлчов самарадорлигини оширишдан иборат. БТГ диагностикасини амалга ошириш ва барча ёшдаги болаларда БТГ ривожланишининг динамик кузатилишини ҳал этиш учун кўзнинг шоҳ пардаси диаметрини ўлчаш ўтказилади (6-расм).

Барча беморларда шоҳ парда диаметрини учта усул ёрдамида ўлчанди ва куйидаги натижаларга эришилди. Биз олган маълумотларнинг ишончилигини ўрганиш учун ушбу усулларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди. Ўлчов РГ ташхиси қўйилган 65 нафар беморда (130 кўз) ўтказилди.



6-расм. Махсус “кўзойнак” ёрдамида шоҳ парда диаметрини ўлчаш.

Куйидаги, 1-жадвалда шоҳ парда диаметрини ўлчашнинг учта усулини таққослашда натижаларнинг ишончилиги ўртача арифметик кўрсаткичлари келтирилган. Шоҳ парда диаметрини жаррохлик циркули ёрдамида ўлчашда олинган кўрсаткичлар масофадан ўлчаш учун энг объектив усул сифатида қабул қилинди. Ўртача қиймат $12,48 \pm 0,97$ мм. Жадвал шунинг кўрсатадики, жаррохлик циркули ва мактаб чизғичи ёрдамида олинган кўрсаткичларни таққослаганда (навбати билан $12,48 \pm 0,97$ ва $12,74 \pm 1,0$) ўртача қийматлар фарқи статистик жиҳатдан фарқ қилмади ($t = 4,3$ $p < 0,05$ “аҳамиятли бўлган қиймат: 2,02”). Жаррохлик циркули ва кўзойнаклар ёрдамида олинган кўрсаткичларни таққослашда (мос равишда $12,48 \pm 0,97$ ва $12,38 \pm 0,98$) ўртача қийматлар фарқи унчалик катта бўлмаган ($t = 1,4$ $p > 0,05$ “аҳамиятли бўлган қиймат: 2,02”).

**БТГда шох парда диаметрини ўлчаш усуллари таққослаш
натияжлари**

Ўлчаш усули	Циркуль (n=21)	Чизгич (n=21)	Кўзойнак (n=21)
Кўрсаткичлар (мм)	12,48±0,97	12,74±1,0	12,38±0,98
Стьюдент Критерийси (t)		t= 4,3 p<0,05 (Аҳамиятли бўлган қиймат: 2,02)	t=1,4 p>0,05 (Аҳамиятли бўлган қиймат: 2,02)

Бу циркуль ва кўзойнак билан ўлчашда олинган кўрсаткичларнинг орасидаги фарқи аниқланмаганлигини тасдиқлайди. Махсус "кўзойнак" ёрдамида шох парда диаметрини ўлчаш усули жуда аниқ, шох парданинг ўзгариши билан кечадиган барча кўз патологиялари учун қулай ва педиатрик амалиётда ишлатилиши мумкин.

Шох парда диаметрини махсус "кўзойнак" ёрдамида ўлчаш шох парда патологияларини зудлик билан аниқлашга имкон беради, бу эса РГ бўлган болаларни динамик кузатишда жуда муҳимдир. Ушбу усулнинг ишончлилиги 90,5% ва 85,7% ни ташкил этди.

Кўздан кечирилган беморларда шох парда диаметрини ўрганиш шуни кўрсатдики, РГ бўлган беморларда ўртача шох парда катталиги $14,5 \pm 0,5$ мм. Бирламчи операция қилинган беморлар гуруҳида шох парданинг диаметри $13,0 \pm 0,4$ мм оралиғида бўлган (7-расм).



* Гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги (p < 0.05)

7- расм. Таққикот гуруҳларида шох парда диаметрининг параметрлари

Шох парда диаметри 15,0 мм дан юқори бўлиши РГли болаларнинг 47 фоизида ва БТГ бўлган болаларнинг 14 фоизида қайд этилган (P < 0,05).

Шундай қилиб, шох парда диаметрини ўлчаш учун махсус “кўзойнақлар” болалар офтальмологиясида фойдаланиш учун хавфсиз ва қулай ва ишончли аниқ кўрсаткичларни беради. Шунингдек, улар жараённинг ривожланишини динамик равишда кузатиб бориш ва олинган маълумотларни архивлаш имконини беради.

Диссертациянинг бешинчи бобида “Рефрактер глаукомали болаларни иммуногенетик таҳлил асосида жарроҳлик усулида даволашнинг патогенетик асослари”, *TNF α* -308G/A, IL-10 C-819T, G-1082A цитокинларнинг ген полиморфизмининг рефрактер глаукома ривожланишидаги роли ўрганилган. РГ (асосий гуруҳ) ва бирламчи операция қилинган беморлар (таққослаш гуруҳи) билан касалланган беморлар гуруҳларида, шунингдек, назорат гуруҳидаги *TNF α* -308G/A аллеллари ва генотипларининг частотали тақсимланишини ўрганишда, статистик жиҳатдан А аллели сезиларли ўсиши асосий гуруҳдаги ва таққослаш гуруҳидаги текширилган болаларда назорат гуруҳига нисбатан (2-жадвал) (OR = 2.221; 95% CI: 1.198 >2.221> 4.116; $\chi^2=6.661$ (p=0.009855)) натижа олинган. Шу билан бирга, ўрганилган полиморфизмнинг G аллелли назорат гуруҳига нисбатан анча камлиги аниқланган. (OR = 0,45; 95% CI: 0.243 >0.45> 0.835; 6.661 (p=0.009855)).

2- жадвал

Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда *TNF α* -308G/A генининг аллеллари ва генотипларининг частотали тақсимоти

Генотип	Асосий гуруҳ, n=115		Назорат гуруҳи, n=95		χ^2	OR (95% CI)
	n	%	N	%		
G	191	83,04	174	91,58	6.661 (p=0.009855)	0.243 >0.45> 0.835
A	39	16,96	16	8,42		1.198 >2.221> 4.116
GG	76	66,09	79	83,16	7.843 (p=0.005103)	0.204 >0.395> 0.765
GA	39	33,91	16	16,84	7.843 (p=0.005103)	1.307 >2.534> 4.91
AA	0	0,00	0	0,00		

Эслатма. χ^2 - Пирсон ишонч индекси; OR - нисбий ҳавф ўлчови;

Бундан ташқари, GG генотиби учун *TNF α* -308G/A генотипларининг қиёсий таҳлили ҳар икки гуруҳдаги беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида сезиларли фарқларни аниқлади (OR = 0.395; 95% CI: 0.204 >0.395> 0.765; $\chi^2=7.843$ (p=0.005103)). Гетерозиготли GA генотипини таҳлил қилиш натижасида иккала гуруҳдаги болалар ва кузатув гуруҳидаги частоталар ўртасидаги фарқлар аниқланди (навбати билан 33,91% ва 16,84%; OR = 2.534; 95% CI: 1.307 > 2.534 > 4.91; $\chi^2=7.843$ (p=0.005103)). Юқорида айтиб ўтилганидек, текширилган *TNF α* -308G/A, полиморфизми бўлган А аллелининг пайдо бўлиш частотасида сезиларли фарқ аниқланди, аммо

гомозиготли АА генотипининг генотипик тахлилида гомозиготли АА генотипи қайд этилмади.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики - 308(G/A) полиморфизми TNF α касалликка мойилликни аниқлашда катта ахамиятга эга.

Бундан ташқари, бирламчи операция қилинган беморларда TNF α -308G/A генининг аллел ва генотип частоталарини тахлил қилинди. TNF α -308G/A аллеллари частоталари ва генотипларининг таққослаш гуруҳида ва назорат гуруҳида тақсимланишини ўрганаётганда, бирламчи операция қилинган беморларда назорат гуруҳига нисбатан А аллел частотасининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши аниқланди (20,00% 8.42% га нисбатан; OR = 2.719; 95% CI: 1.338 >2.719> 5.523; 8.079 (p=0.004478)). Шу билан бирга, ўрганилган полиморфизмнинг G аллели назорат гуруҳига нисбатан анча кам топилди (OR = 0.368; 95% CI: 0.181 > 0.368 > 0.747; χ^2 = 8.079 (p = 0.004478)).

GG генотипи учун TNF α -308G/A генотипларини қиёсий тахлил қилиш таққослаш гуруҳидаги беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида сезиларли фарқларни аниқлади (OR = 0.304; 95% CI: 0.139 >0.304> 0.663; χ^2 =9.413 (p=0.002154)). Гетерозиготли GA генотипини тахлил қилишда таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳида пайдо бўлиш частотаси ўртасидаги фарқлар аниқланди (мос равишда 40.00% ва 16.84%; OR = 3.292; 95% CI: 1.508 >3.292> 7.183; χ^2 =9.413 (p=0.002154)). Генотипик тахлилда гомозиготли АА генотипи қайд этилмаган.

TNF α -308G/A генотипларини қиёсий тахлил қилиш таққослаш гуруҳидаги беморлар ва асосий гуруҳи ўртасида А аллелининг БТГ ли боларда РГ ли беморларга нисбатан сезиларли ўсиши кузатилди. (14,62% 20,00% га нисбатан; OR = 1,861; 95% CI: 0.919 >1.861> 3.773; 3,04(p=0.081219)). Шу билан бирга G аллели таққослаш гуруҳидагига нисбатан кўпроқ учради (OR = 0.537; 95% CI: 0.265 >0.537> 1.089; χ^2 =3,04 (p=0.081219)). GG генотипи учун TNF α -308G/A генотипларини қиёсий тахлил қилиш таққослаш гуруҳидаги беморлар ва асосий гуруҳ ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди (OR = 0.49; 95% CI: 0.23 >0.49> 1.046; χ^2 =3.466 (p=0.062643)) (3-жадвал).

3- Жадвал

Рефрактер глаукомали беморларда TNF α -308G/A генининг аллеллари ва генотипларининг частотали тақсимоти

Генотип	Асосий гуруҳ, n=65		Таққослаш гуруҳи, n=50		χ^2	OR (95% CI)
	n	%	n	%		
G	111	85,38	80	80.00		0.265 >0.537> 1.089
A	19	14,62	20	20.00	3,04(p=0.081219)	0.919 >1.861> 3.773
GG	46	70,77	30	60.00	3.466(p=0.062643)	0.23 >0.49> 1.046
GA	19	29,23	20	40.00	3.466(p=0.062643)	0.956 >2.039> 4.352
AA	0	0,00	0	0,00		

Эслатма. χ^2 - Пирсон ишонч индекси; OR - нисбий ҳавф ўлчови;

Гетерозиготли GA генотипини таҳлил қилишда таққослаш гуруҳи ва асосий гуруҳда пайдо бўлиш частотаси ўртасидаги фарқлар аниқланди (мос равишда 40.00% ва 29,23%; OR = 2,039; 95% CI: 0,956>2.039> 4.352; $\chi^2=9.413$ ($p=0.062643$)). Генотипик таҳлилда гомозиготли AA генотипи қайд этилмаган.

Рефрактер глаукомали беморларда *TNFA* -308G/A генининг аллел частоталари ва генотипларини таҳлил қилишда асосий гуруҳда ва назорат гуруҳларида *TNFA* -308G/A аллеллари ва генотипларининг частотали тақсимланишини ўрганаётганда сезиларли фарқлар топилмади.

IL -10 C-819T (rs1800871) генининг аллел ва генотип частоталарини асосий ва таққослаш гуруҳлари беморларида, шунингдек, назорат гуруҳида тақсимлаш бўйича олинган маълумотлар частотада сезиларли фарқларни аниқламади. (4-жадвал).

4- Жадвал

IL -10 C-819T генининг аллел ва генотип частоталарини асосий ва назорат гуруҳларида тақсимланиши

Генотип	Асосий гуруҳ, n=115		Назорат, n=95		χ^2	OR (95% CI)
	n	%	n	%		
C	170	73,91	143	75,26		0.599 >0.931> 1.449
T	60	26,09	47	24,74	0.1 ($p=0.751956$)	0.69 >1.074> 1.67
CC	56	48,70	49	51,58	0.173 ($p=0.677461$)	0.517 >0.891> 1.535
CT	58	50,43	45	47,37	0.196 ($p=0.658186$)	0.656 >1.131> 1.948
TT	1	0,87	1	1,05	0.018 ($p=1$)	0.051 >0.825> 13.361

Эслатма. χ^2 - Пирсон ишонч индекси; OR - нисбий ҳавф ўлчови;

IL -10 C-819T генининг аллел ва генотип частоталарини асосий ва назорат гуруҳлари беморларида тақсимлаш бўйича олинган маълумотларни ўрганилганда БТГли беморларда назорат гуруҳига нисбатан C аллелини қисман пасайиши кузатилди (73,91% 75,26% га нисбатан; OR = 0,931; 95% CI: 0.599>0,931> 1,449; 0,1($p=0.751956$)). Шу билан бирга ўрганилаётган полиморфизмнинг T аллели назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ учради (OR = 1,074; 95% CI: 0.69>1,074> 1,67; $\chi^2 = 0,1(p=0.751956)$), бироқ сезиларли фарқ учрамади.

IL -10 C-819T генотипларини қиссий таҳлил қилишда назорат гуруҳидаги ва асосий гуруҳи ўртасида CC генотипининг қисман пасайиши кузатилди (OR = 1,131; 95% CI: 0.656>1,131> 1,948; $\chi^2 = 0,196(p=0.658186)$).

Гетерозиготли CT генотипини таҳлил қилишда асосий гуруҳи ва назорат гуруҳларида пайдо бўлиш частотаси ўртасидаги фарқлар аниқланди (47,37% 50,43% га нисбатан; OR = 1,131; 95% CI: 0.656>1,131> 1,948; $\chi^2 = 9,413(p=0.062643)$). TT гомозигот гетахлил нотипини қилинганда асосий

гурухда – 0,87%, назорат гуруҳида эса 1,305% кайд этилди, бироқ олинган маълумотлар статистик аниқликка эга эмаслиги аниқланди (OR = 0,825; 95% CI: 0.051>0,825> 13,361; $\chi^2 = 0,018$ ($p=1,0$))

IL -10 C-819T генининг аллел ва генотип частоталарини генотипларини тақсимлашда асосий ва назорат гуруҳида аниқ аҳамиятли фарқ кузатилмади, шунингдек, иккала гуруҳдаги каби. Таққослаш гуруҳида аввалги гуруҳлар каби сезиларли фарқлар кузатилмади.

IL -10 G-1082A (rs1800896) аллеллари ва генотипларининг тарқалишини ўрганишда, IL -10 C-819T (rs1800871) бўлгани каби иккала ўрганилаётган гуруҳ ва назорат гуруҳларида ҳам (5-жадвал), аҳамиятли бўлмаган фарқлар кузатилди.

5- Жадвал

IL -10 G-1082A генининг аллел ва генотип частоталарини асосий ва таққослаш гуруҳларида тақсимлиниши

Генотип	Асосий гуруҳ, n=65		Таққослаш гуруҳи, n=50		χ^2	OR (95% CI)
	n	%	n	%		
C	96	73,85	74	74,00	0.031 ($p=0.860589$)	0.687 >1.038> 1.568 0.638 >0.964> 1.456
T	32	24,62	26	26,00		
CC	32	49,23	24	48,00	0.045 ($p=0.832698$)	0.606 >1.062> 1.863
CT	32	49,23	26	52,00	0.034 ($p=0.854717$)	0.543 >0.949> 1.659
TT	1	1,54	0	0	0.018 ($p=1$)	0.051 >0.825> 13.361

Эслатма. χ^2 - Пирсон ишонч индекси; OR - нисбий ҳавф ўлчови;

Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда IL -10 G-1082A (rs1800896) кўрсаткичларини таҳлил қилишда, шунингдек, таққослаш гуруҳида сезиларли даражада фарқлар кузатилмади.

6- Жадвал

IL -10 G-1082A генининг аллел ва генотип частоталарини асосий гуруҳда тақсимлиниши

Генотип	Асосий гуруҳ, n=115		Назорат гуруҳи, n=95		χ^2	OR (95% CI)
	n	%	n	%		
G	87	66,92	129	67,89	0.033 ($p=0.855378$)	0.595 >0.957> 1.539 0.65 >1.045> 1.682
A	43	33,08	62	32,63		
GG	22	33,85	35	36,84	0.151 ($p=0.697536$)	0.453 >0.877> 1.7
GA	43	66,15	59	62,11	0.274 ($p=0.600835$)	0.616 >1.193> 2.308
AA	0	0,00	1	1,05	0.001 ($p=1$)	0.099 >0.96> 9.332

Эслатма. χ^2 - Пирсон ишонч индекси; OR - нисбий ҳавф ўлчови;

Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда IL -10 G-1082A (rs1800896) кўрсаткичларини таҳлил қилишда БТГ ли беморларга нисбатан назорат

